

ЎТМИШ АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ «ТАРИХИ ЯМИНИ» АСАРИ МИСОЛИДА

Абдурахмонов Акмалжон Пазилдинович

Фарғона вилояти Фарғона тумани 61 умумий ўрта таълим мактаби тарих фани
ўқитувчиси

Саломиддинов Абдусамат Муҳаммаджон ўғли

Фарғона вилояти Фарғона тумани 5 умумий ўрта таълим мактаби тарих фани
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15383967>

Аннотация: Мамлакат тараққиётида хорижий мамлакат ва халқлар, хусусан қўшнилар билан ўрнатилган ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Марказий Осиёда яшаб келаётган халқлар минг йиллар давомида аҳил қўшничилик алоқаларини ўрнатиб, ривожлантириб келишган. Бу жараёнларни ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни катта. Ана шундай манбалардан бири «Тарихи Ямини» бўлиб, унда минтақанинг X – XI асрлар тарихи ёритилган. Ушбу мақолада асарнинг қўшни халқларнинг ўзаро алоқалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: «Тарихи Ямини», Утбий, Ғазнавийлар, қўшничилик алоқалари, Қорахонийлар, Сомонийлар, Маҳмуд Ғазнавий.

СОСЕДСКИЕ ОТНОШЕНИЯ НАШИХ ПРОШЛЫХ ПРЕДКОВ НА ПРИМЕРЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «ИСТОРИЯ ЯМИНИ»

Аннотация: Сотрудничество, основанное на взаимном доверии и дружбе с зарубежными странами и народами, в частности с соседями, играет важную роль в развитии страны. Народы, проживающие в Центральной Азии, на протяжении тысячелетий устанавливали и развивали добрососедские отношения. Исторические источники играют важную роль в изучении этих процессов. Одним из таких источников является "Тарихи Ямини," в котором освещается история региона в X-XI веках. В этой статье анализируются взаимоотношения соседних народов.

Ключевые слова: «Тарих-и Ямини», Утбий, Газневиды, добрососедские отношения, Караханиды, Саманиды, Махмуд Газневи.

THE NEIGHBORLY RELATIONSHIPS OF OUR PAST ANCESTORS ON THE EXAMPLE OF THE WORK "TARIXI YAMINI"

Abstract: Cooperation based on mutual trust and friendship with foreign countries and peoples, especially with neighbors, plays an important role in the country's development. The peoples living in Central Asia have established and developed good-neighborly relations for millennia. Historical sources play an important role in the study of these processes. One such source is the "History of Yamini," which covers the history of the region in the 10th-11th centuries. In this article, the interrelationships of neighboring peoples are analyzed.

Keywords: "Tarixi Yamini", Utbiy, Ghaznavids, neighborly relations, Karakhanids, Samanids, Mahmud of Ghazni.

КИРИШ

Бугунги кунда тобора глобаллашиб бораётган дунё учун энг катта хавфлардан бири сифатида эътироф этилаётган мамлакатлар, этник ва диний гуруҳлар ўртасидаги турли

кўринишдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий низоларнинг келиб чиқишини олдини олиш жаҳоннинг барча давлатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу сабабдан ҳам мамлакатда кўшни ва қардош мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини республикада истиқомат қилаётган барча миллатлар ҳамда дин вакиллари ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фикрлари эътиборга моликдир: «Ўзбек халқида «Кўшнинг тинч – сен тинч» деган пурмаъно мақол бор. Бизнинг муштарак тарихий меросимизни ажратиб бўлмаганидек, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бугунги куни ва келажагини ҳам айро холда тасаввур этиб бўлмайди. Биз ҳар доим бир-биримизга яқин бўлганмиз ва бундан кейин ҳам бир-биримизга керак бўламиз».

Албатта, ушбу умуминсоний қадриятларни қарор топтиришда кўшни ва қардош халқлар ўртасида тарихан шаклланиб келган ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрганиш, уларни тадқиқ ва таҳлил қилиш, ёш авлодни бундан хабардор қилиш каби чоратadbирларни амалга ошириш аҳамиятлидир. Шу боисдан ҳам тарихий манбаларда келтирилган халқлар ўртасидаги ахл қўшничилик муносабатларининг ўрганилмай келаётган қирраларини очиш бугунги куннинг муҳим талабига айланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Х – Х асрларда яшаб ўтган тарихчи-муаррих Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Утбий томонидан араб тилида битилган «Тарихи Ямини» (баъзи манбаларда «Китаб ал-Ямини» номи билан ҳам учрайди) асари мана шундай тарихий манбалардан биридир. Асарда хижрий 365 – 412 (милодий 975 – 1021) йиллардаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистонда бўлиб воқеа-ҳодисаларнинг муфассал баёни ўринг олган. Шунинг учун бу асар ал-Утбийдан сўнг яшаган тарихчилар, хусусан, ислом манбашунослигида салмоқли ўрни ва аҳамиятига эга бўлган «Ал-комил фит-тарих» асари муаллифи Ибн ал-Асир учун жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилган [1:112].

Асарнинг манбавий қиймати юқори бўлганлиги учун чет тилларига ҳам таржима қилинади. Масалан, бир неча бор форс тилига таржима қилинган, лекин энг дурусти 1206 йилда Абу Шариф Носих ибн Жафар ал-Жорбозаконий каламига мансуб бўлиб, 1856, 1956 ва 1966 йилларда Эронда нашр этилган. Асарнинг ушбу форсча таржимасидан фойдаланган ҳолда инглиз тарихчиси Жеймс Рейнольдс томонидан инглиз тилига ўгирилди ва 1858 йилда китоб ҳолида нашр этилди. Шунингдек, «Тарихи Ямини» асари 1847 йилда Дехлида, 1869 йилда Қохирада ҳам нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 3252 тартиб рақами остида ушбу асарнинг қўлёзмаси сақланмоқда [7:67].

«Тарихи Ямини» га бўлган улкан қизиқиш асарнинг нафақат Шарқда, балки Фарбда ҳам кенг ўрганилишига асос бўлди. Масалан, немис шарқшуноси Т.Нёльдеке китоб устида илмий изланишлар олиб борди ва Утбий томонидан қўлланилган сўз ўйинларининг моҳияти ҳақида ўз фикрларини баён этди (Theodor Nöldeke. «Über das Kitab Jamini des Abu Nasr Muhammad ibn 'Abd al gabbar al 'Utbi» Sitzungsberichte der Kaiserlichen Akademie der Wissenschaften, 23, no.1 (1857): 73.) Нёльдекедан ташқари бу франсуз К.Шефер, инглиз шарқшунослари Эллиот ва Доусонлар ҳам Утбий асарини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди [3:275].

«Тарихи Ямини» ўзида X аср охири ва XI аср бошларида Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Бувайхийлар ва Хиндистон мамлакатлари ўртасида юз берган тарихий воқеликларни ўзида мужассам этган юксак аҳамиятга эга бўлган тарихий манбадир [1:154]. Унда мамлакатлар ва сулолалар ўртасидаги фақатгина уруш ёки келишмовчилик ҳолатларигина эмас, балки ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг ўша даврда ҳам нақадар зарур бўлганлиги, хавсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун яқин қўшнилар билан келишувчилик сиёсатини олиб борилганлиги, ҳукмдорларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳолатлари ўз аксини топган. Мисол учун, ҳижрий 365 йилда Сомонийлар давлати ҳукмдори Мансур ибн Нух вафот этганида унинг ўрнига тахтга ўтирган Нух ибн Мансурни қўллаб-қувватлаб қўшни мамлакатлар ҳукмдорлари унга мактублар жўнатишади ва унга мамлакатни инқирозга йўл тутмаслиги учун ёрдамга тайёр эканликларини изҳор қилишади.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, яқин қўшнилар билан дустана муносабатда бўлиш, ўзаро ҳамжиҳатлик ила ҳаёт кечирish, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳозирги кунда нақадар муҳим аҳамият касб этаётган бўлса, тарихда ҳам унинг муҳимлиги тарихий манбаларда ўз аксини топган. Абу Наср Муҳаммад ал-Утбийнинг «Тарихи Ямини» асарида ҳам Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Бувайхийлар, Салжуқийлар ўртасидаги яқин қўшничилик муносабатлари, оғир дамларда бир-бирларини қўллаб-қувватлашганликлари тўғрисидаги маълумотлар манбада келтириб ўтилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Axmedov, B. O'zbekiston tarixi manbalari. Tashkent: O'qituvchi, 2001. P. 352.
2. Andrew, C.S. Peacock. Utbi's al-Yamini: Patronage, Composition, and Reception // Arabica. 2007. № 4. P. 500-524.
3. Anooshahr, A. Utbi and the Ghaznavids at the Foot of Mountain // Iranian Studies. Vol. 38. 2005. № 2. P. 271-291.
4. Barthold, W. Turkestan down to the Mongol Invasion. Oxford University Press, 1918. P. 534.
5. Bosworth C.E. The Ghaznavids: Their Empire in Afghanistan and Eastern Iran: 994 – 1040. Edinburgh, 1963. P. 414.
6. Churfodiqoniy A. Tarjumai Ta'rihi Yaminiy. Xodjend: Nashir, 2013. P. 420.
7. Madraimov A., Fuzailova G. Manbashunoslik. Tashkent: O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi "Fan" nashriyoti, 2007. P. 294.
8. Meisami J.S. Persian Historiography to the End of the Twelfth Century. – Edinburgh, 1999. P. 202.
9. Morgan D., Anthony R. The New Cambridge History of Islam. Vol. 3. The Eastern Islamic World Eleventh to Eighteenth Centuries. Cambridge University Press, 2011. P. 680.
10. Muhammad N. The Life and Times of Sultan Mahmud of Ghazna. Cambridge, 1931. P. 271.
11. Reynolds J. Al-Utbi. The Kitab-I-Yamini: Historical Memoirs Of The Amir Sabaktagin And The Sultan Mahmud Of Ghazna. Kessinger Publishing, 2007 P. 552.